O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 27 сентябрь, № 190 (4600) Шанба

## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУТУН ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни мамлакатимизда ва бутун Ўрта Осиё минтақасида энг нуфузли ва етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ташкил топганига 90 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон Миллий университетининг Ватанимиз тарихи ва тараққиётидаги алоҳида ўрни ва мавқеини, унинг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси сифатидаги беқиёс аҳамиятини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Бу мўътабар олий ўқув даргоҳининг ўтган асрнинг 18-йилида "Туркистон мусулмонлари халқ дорилфунуни", 20-йилда "Туркистон давлат университети", 23-йилда "Ўрта Осиё давлат университети", 60-йилга келиб "Тошкент давлат университети" деб аталгани ва ниҳоят, 2000 йили "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети" деган юксак ном олгани унинг узоқ ва давомли, шу билан бирга, шарафли тарихий йўлни босиб ўтганидан далолат беради.

Ҳеч шубҳасиз, бу, ўз навбатида, университетнинг ҳаёти Ўзбекистон ҳаёти билан узлуксиз ва чамбарчас боғланиб кетганини, Ватанимиз қандай машаққатли ўсиш ва юксалиш жараёнларини бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ушбу билим даргоҳи тимсолида акс этганини кўрсатади ва бу бетакрор фан ўчоғи, таълим масканига нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиром уйғотади.

Бугун университетнинг қутлуғ тўйини кенг нишонлар эканмиз, унинг узоқ йиллар мобайнида юртимиз ва қўшни давлатларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, Ўрта Осиёдаги кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги барча университетлар учун ҳар томонлама таянч маскани бўлиб келаётганини таъкидлашимиз табиийдир.

Мана шундай қувончли кунда барчамиз бундан 90 йил муқаддам, ўта оғир, қалтис ва мураккаб бир даврда университетнинг тамал тошини қўйган буюк маърифатпарвар боболаримизнинг муборак номларини миннатдорлик билан эсга оламиз, уларнинг маънавий жасорати, руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Миллий университетимизни бугунги юксак даражага кўтаришда катта хизмат қилган атоқли илм-фан намояндаларининг, миллионлаб ёшларга таълим ва инсонийлик сабоғини берган заҳматкаш устозларнинг хотирасини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

(Давоми 2-бетда).

## Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети – 90 ёшда



## ИЛМ ВА МАЪРИФАТ БЕШИГИ

***Президентимизнинг махсус Қарорига биноан, шу кунларда мамлакатимизда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллик қутлуғ тўйи кенг нишонланмоқда.***

Шу муносабат билан Юртбошимизнинг университет жамоатчилигига йўллаган табригида таъкидлаб айтилганидек, ЎзМУ қарийб бир аср давомида илм-фан, таълим-тарбия ва маърифат бешиги бўлиб келди, узоқ йиллар мобайнида юртимиз ва қўшни давлатларни юқори малакали кадрлар билан таъминлади, Ўрта Осиёдаги кўплаб олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларини шакллантиришга улкан ҳисса қўшди, ҳозирги вақтда эса мамлакатимиздаги барча университетлар учун ҳар томонлама таянч даргоҳи бўлиб келмоқда. Бу ерда фаннинг муҳим соҳалари бўйича, халқаро миқёсда кенг эътироф этилган илмий мактаблар шаклланди ва бундай изланишлар бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ватанимиз бағрида Президентимизнинг "Куч — билим ва тафаккурда" деган улуғ ҳикматли ғоясига фидойиларча хизмат қилиб келаётган ЎзМУдай табаррук таълим даргоҳи, илм-фаннинг забардаст маркази мавжудлиги — ҳаммамизнинг фахримиздир.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

**«Ал-Васат»:**

## «ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАРВОЗАСИ»

***Кувайтнинг «Ал-Васат» газетаси «Рамазон: халқларнинг умрбоқий урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари» рукнида журналист Самир Хидрнинг «Имом Бухорий ва Имом Термизий юрти — Марказий Осиё дарвозаси. Ўзбекистонда Рамазон» сарлавҳали мақолани эълон қилди.***

**▼ Дунё нигоҳи**

Газетанинг бир саҳифасини тўлиқ эгаллаган мақола бир неча бўлимдан иборат бўлиб, улар «Рамазон ойининг ўзига хос хусусиятлари», «Тошкент шаҳри», «Самарқанд — Шарқ дурдонаси», «Бухоро шаҳри», «Ўзбекистон ва ислом» деб номланган.

Журналист Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги икки томонлама муносабатларга алоҳида эътибор қаратиб, икки мамлакат ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга интилаётганини қайд этади.

«2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кувайтда расмий ташриф билан бўлган эди. Учрашувлар якунига кўра, томонлар ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳамда бошқа бир қатор битимлар имзоланиб, улар Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳужжатлар иқтисодиёт, савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳалари вакилларидан иборат делегациялар алмашинувига хизмат қилмоқда.

Жорий йилда Кувайт Давлати Амири Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан бўлди. Учрашувлар чоғида томонлар ўзаро муносабатларни янада юқори даражага кўтарувчи қатор битим ва меморандумларни имзолади», деб ёзилади газетада.

Мақола Имом Бухорий мақбараси ҳамда Кувайт Давлати Амирининг Ҳазрати Имом мажмуасига ташрифи пайтида олинган фотосуратлар билан безатилган. Улар мамлакатимиз раҳбариятининг диний ташкилотлар ва динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, динлар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон мусулмонларининг диний эркинликларини таъминлаш, диний одат ва анъаналарни асрабавайлашга қаратилган бағрикенг сиёсатини ўзида ифода этади.

«1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгани мамлакат халқи ҳаётида улкан воқеа бўлди. Жорий йилда ушбу қутлуғ сананинг 17 йиллиги кенг нишонланди. Ўтган давр мобайнида мамлакат турли соҳаларда, жумладан, диний ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритди. Республикада Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти, Мир араб мадрасаси фаолият юритяпти», деб ёзади муаллиф.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОНИ

## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, юқори малакали замонавий мутахассислар тайёрлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда илмий тадқиқот ва педагогика соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"**

**Бобоев Туйғун Мирзааҳмедович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети полимерлар кимёси кафедраси профессори

**Норкулов Неъмат** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физикавий электроника кафедраси мудири

*Республикамизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор педагогик технологияларни жорий этиш, талаба ёшларга замонавий билим асосларини ўргатиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси ҳамда ўқишда ва жамоат ишларида алоҳида ўрнак кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Ғозиев Эргаш** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси мудири

**Эрназаров Қудрат Туганович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ҚАРОРИ

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2008 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 1 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 сентябрь

Қирқиш чизиғи

шахслар рўйхатини уларга тегишли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили эълон қилиниши шарт»;

55) **114-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради, 1-модданинг 6-банди бундан мустасно.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 6-банди 2009 йил 1 январдан эътиборан кучга киради. Устав фондларини 2009 йилнинг 1 январига қадар ушбу Қонун 1-моддасининг 6-банди талабларига мувофиқлаштирмаган ёпиқ акциядорлик жамиятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 сентябрь
№ ЎРҚ — 183

24

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2008 йил**

Қирқиш чизиғи

матли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгилаб қўйилади.

Давлат вакилига депо ҳисобварағидан кўчирма бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

25) **49-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«49-модда. Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш шартлари ва тартиби**

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш акциядорлик жамиятининг ёки қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг топшириғи асосида марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Реестрнинг қайси санага шакллантирилиши реестрни шакллантириш тўғрисидаги топшириқда кўрсатилади.

Акциядорлик жамияти жамиятнинг акциядорлари реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқларда имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Давлат вакилини жамият акциядорлари реестрига киритиш ҳақидаги ёзув, давлат вакилини тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарор илова қилинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига билдириш асосида амалга оширилади.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантиришни рад

12

Буклаш чизиғи

этишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш рад этилган тақдирда, марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси реестрни шакллантириш рад этилганлиги тўғрисидаги асослантирилган билдиришномани топшириқ келиб тушган пайтдан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборади.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш рад этилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин»;

26) **50-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«50-модда. Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш тартибини бузганлик учун жавобгарлик**

Акциядорлик жамияти, трансфер-агент, марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари жамият акциядорлари реестридаги маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда тўғрилиги учун солидар жавобгар бўлади ва ўзларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан акциядорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт»;

27) **51-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари депозитарийлардир»;

28) **52-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акцияларни сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида амалга оширилади»;

13

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган ижроия органи таркибига кирган шахснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади»;

**тўртинчи – ўн учинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи – ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

50) **102-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тугатувчи ушбу моддада назарда тутилган тартиб-таомиллар охирига етказилганидан сўнг жамиятнинг қимматли қоғозларини муомаладан чиқариш ва жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини бекор қилиш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда зарур тадбирларни амалга оширади»;

51) **104-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади»;

52) **106-модда**:

**ўн биринчи хатбошисининг русча матнидаги** «видов» деган сўз «типов» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарув-

22

№ 12, 598, 606, 608-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига, агар жамият уставида мазкур ҳуқуқни амалга оширишнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган бўлса, эга бўлади»;

2) **11-модданинг иккинчи қисмидаги** «хиллари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-модданинг биринчи қисми**:

**бешинчи хатбошисидаги** «хиллари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамиятнинг ижроия органини тузади (сайлайди, тайинлайди)»;

4) **15-модда биринчи қисми**:

**олтинчи хатбошисининг русча матнидаги** «виды» ва «видов» деган сўзлар тегишинча «типы» ва «типов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамият томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари»;

5) **19-модда учинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли»;

3

даги ҳолатга кўра шакллантирилган реестри асосида амалга оширилади.

Шакллантирилган ва марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган жамият акциядорлари реестрига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш тартибини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш учун депозитарийлар:

реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг идентификация қилиниши;

реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларнинг ахборот олиш ва уни мазкур шахсларга йўллаш ҳамда реестрни шакллантириш имконини берадиган акцияларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобга олинишини;

реестрга ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўладиган ҳужжатларни ва барча фактлар тўғрисидаги ҳамда депозитарийларнинг бундай ўзгартиришларни киритиш борасидаги барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида тўпланиши ва сақланишини таъминламоғи лозим.

Жамият акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган ҳар бир шахс, унинг номига ёзилган акциялар сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси жамиятлар акциядорлари реестрлари шакллантирилишини таъминлаши ва шакллантирилган реестрларни сақлаши шарт;

жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эъти-

10

жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади»;

32) **56-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи – олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

33) **57-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга»;

34) **61-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Очиқ акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади»;

35) **65-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисидаги** «акцияларга» деган сўз «акцияларни ва акцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **66-модданинг тўққизинчи қисми** «қарор қабул

15

Қирқиш чизиғи

45) **77-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «амалга оширилиши мумкин» деган сўзлар «амалга оширилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи – бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи – тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

46) **82-модданинг**:

**бешинчи – ўн биринчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **бешинчи – ўн учинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

ушбу Қонун 65-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;

акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали жамият устав фондини кўпайтириш, агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш тўғрисида қарорлар

20

9) **26-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият уставида жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ва номинал қиймати белгиланиши мумкин»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи – олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим»;

10) **27-модда биринчи қисмининг**:

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш»;

**тўққизинчи хатбошисидаги** «давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган органда» деган сўзлар «қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **30-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«30-модда. Акцияларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши**

Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун

5

19) **40-модданинг**:

**номидаги** «Акцияларга» деган сўз «Акцияларни ва акцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** «Жамият» деган сўздан кейин «акцияларни ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисми** «Хабарномада» деган сўздан кейин «акцияларнинг ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «Акциядор» деган сўздан кейин «акцияларни ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **41-модда**:

**тўртинчи қисмининг русча матнидаги** «виды» ва «вида» деган сўзлар тегишинча «типы» ва «типа» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи** ва **еттинчи қисмларининг русча матнидаги** «видов» деган сўз «типов» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи – ўн иккинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Бундай акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган муддатларда реализация қилинмаган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

Жамият томонидан ўз акцияларини олиниши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда ёки инвестиция институтлари орқали амалга оширилади.

Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта

8

рилган жамият акциядорлари реестри асосида уларга билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти акциядорга ва давлат вакилига билдиришномани мустақил равишда ёхуд жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш муддати жамият уставида белгилаб қўйилади. Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларига ва давлат вакилига акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 10 календарь кун олдин юборилиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;

умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи

17

## Яхши хабар

Республика Болалар кутубхонасида "Муаллим — олам чароғи" деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди. Унда мактаблар ва коллежлар ўқитувчилари ҳамда ўқувчи ёшлар иштирок этдилар.

## Устозларга эҳтиром

Тадбир иштирокчилари Юртбошимиз раҳнамолигида устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрлик хусусида мамнуният ила сўз юритдилар.

— Ёш авлодга илму ҳунар ўргатаётган, қалбқўри ва меҳри ила таълим-тарбия бераётган устоз ва мураббийларимиз ҳақиқатан ҳам юксак қадру эъзозга муносибдирлар, — дейди кутубхона маънавият, маърифат ва санъат бўлими бошлиғи Н. Рўзматова. — Эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёшларимизни етук маънавиятли шахс, бебаҳо инсоний фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашда бу заҳматкаш касб эгаларининг хизмати ва ҳиссаси беқиёс. Уларнинг фидойилиги, жонкуярлиги ва касбга садоқати борасида ҳар қанча таҳсину тасаннолар айтсак, оз. Зеро, азалдан устоз зотини отадай улуғ билиб, эҳтиром кўрсатиш миллатимизга хос фазилат саналади.

Байрам кечасида Республика махсус мусиқа академик лицейи ҳамда Санъат коллежи ўқувчиларининг бадиий чиқишлари намойиш этилди. Айниқса, "Тарона" вокал ансамбли ёшларининг байрамона дастури иштирокчиларга манзур бўлди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

## 27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни

# ТУРИЗМ — ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА



***Туризм — она-Ўзбекистонимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётида салмоқли ўрин тутади. Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз Ватанимизда туризмни ривожлантиришга доимо катта эътибор кўрсатиб келмоқдалар.***

*Мухбиримизнинг "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси* ***Зоҳиджон ҲАКИМОВ*** *билан қуйидаги суҳбатида ҳам мамлакатимизда туризмнинг равнақи ва унинг истиқболи масалалари бош мавзу бўлди.*

**— Зоҳиджон Латипович, аввало, туризмнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни эшитмоқчи эдик.**

— Туризм, аслида, французча ибора бўлиб, "сайр, саёҳат, сафарларга чиқиш, фаол дам олиш" деган маъноларни англатади. Ҳар бир кишида атроф дунёни кўриш, табиат олами, бошқа мамлакатлар ва халқлар ҳаёти, турмуш тарзи билан танишиш истак-хоҳиши мавжуд. Туризм ана шундай ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар манбаида шаклланган. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида инсониятнинг туризмга мойиллиги янада кучайди.

Туризмнинг маърифий-маънавий ва сиёсий, ижтимоий аҳамиятидан ташқари бу соҳа давлатларнинг иқтисодий-молиявий ривожланишида ҳам салмоқли ўрин тутади. Айрим далилларни келтириб ўтайлик. Туризмдан келадиган даромадлар, масалан, Швейцарияда мамлакатдаги ялпи ички даромаднинг деярли 80 фоизини, Испанияда 60 фоизини, Австрияда 40 фоизни ташкил этади... Шу боисдан барча давлатлар ўз мамлакатларини туризмнинг гавжум манзилларидан бўлишини истайди.

**— Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масаласига қандай қаралмоқда?**

— Туризм соҳасини ривожлантиришга шахсан Президентимизнинг ўзлари Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб улкан эътибор қаратиб келмоқдалар. Юртбошимизнинг "Республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш ва Буюк Ипак йўлини тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини фаоллаштириш чоралари тўғрисида "1992 йилнинг июль ойидаги фармонига биноан "Ўзбектуризм" миллий компанияси вужудга келди ва бу ташкилот юртимизда туризм соҳасидаги улкан фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ барча масалаларга масъулдир.

Президентимизнинг 1999 йил 15 апрелда имзолаган "2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги Фармони Ватанимизда туризм фаолиятини дастурий асосда йўлга қўйиш ишига мустаҳкам сиёсий негиз бўлди. Шундан кейин 1999 йилнинг 20 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган "Туризм тўғрисида"ги Қонун туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий пойдеворга айланди.

1998 йилда республика ҳукумати қарори билан пойтахтимизда "Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси" ташкил этилди. Уюшма 300 дан зиёд туристик корхоналар билан яқин алоқада фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда туризм соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг деярли 90 фоизи хусусий туристик корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Хусусий корхоналар халқимизнинг меҳмондўстлик фазилатларини ўз фаолиятларида ёрқин намоён этаётир.

Ўзбекистон 1993 йилда жаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлди. 2004 йилда "Буюк Ипак йўли" лойиҳаси доирасида Самарқандда ушбу халқаро ташкилотнинг ваколатхонаси очилди.

Мамлакатимизда мустақил тараққиётнинг ўтган қисқа тарихий даврида туризм соҳасидаги иқтисодий ўсиш суръати ва экспорт хизматлари ҳажми 10 баробардан ошишига эришилди. Диёримизга ташриф буюраётган сайёҳлар ва меҳмонлар сони ҳар йили ўрта ҳисобда 25-30 фоизга ўсиб бормоқда. Масалан, 1993 йилда 92 минг нафар хорижий фуқаро Ўзбекистонга саёҳатга келган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 1 миллионга яқинлашди. Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам ер юзида Ўзбекистонга қизиқиш йил сайин кучайиб бораётганлигига яққол далилдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда туризм маданияти энг замонавий талаблар даражасига кўтарилди. Қисқа давр ичида жаҳон андозалари даражасидаги бир неча ўнлаб меҳмонхона мажмуалари ва оромгоҳлар қад ростлади, сайёҳликнинг янги турлари ва йўналишлари вужудга келди, хорижий сармояларнинг кириб келиши изчил ошиб бормоқда ҳамда Ўзбекистон бугун мустақил равишда дунё туризм бозорларига чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.

**— "Ўзбектуризм" миллий компанияси фаолияти тўғрисида газетхонларимизга кенгроқ маълумот берсангиз...**

— Ҳозирги кунда "Ўзбектуризм"нинг Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида минтақавий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда эса Саёҳат ва экскурсия бюролари мавжуд. Улар минтақаларда туризм фаолиятини мувофиқлаштириш, жойларда туризм имкониятларини аниқлаш, хусусий секторни янада ривожлантириш, сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишни юқори даражаларга кўтариш, жойларда қўшимча сервис ва хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш манбаида аҳоли учун янги иш ўринларини очиш, туризм соҳасидаги замонавий мутахассис кадрларни етиштириш, малакасини ошириш ишлари билан шуғулланади.

Бундан ташқари, "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ҳозирги кунда Малайзия, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Россия, Миср Араб Республикаси, Вьетнам, Исроил каби хорижий давлатларда махсус ахборот ваколатхоналари фаолият олиб бораяпти. Улар ўша чет давлатлардаги халқаро туристик ярмаркаларда, бошқа анжуманларда Ўзбекистоннинг улкан туристик салоҳиятини реклама-тарғибот қилиш чора-тадбирларини кўришмоқда.

Биз хорижий давлатларда "Ўзбектуризм"нинг ваколатхоналарини янада кўпайтириш, хорижий туристик операторлар ва журналистларнинг Ўзбекистон билан танишувини уюштириш, миллий туризм соҳасига хорижий сармояларни кўпроқ жалб этиш асосида туризмнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш, халқаро андозалардаги катта ва кичик янги меҳмонхоналар бунёд этиш, сайёҳларга қулайликларни ошириш мақсадида сервис ва хизмат турларини кўпайтириш ва яхшилаш, туристик русумдаги транспорт воситаларини босқичма-босқич янгилаб бориш устида тинимсиз ишлаяпмиз.

**— Мамлакатимизда туризмнинг имкониятлари ва истиқболи тўғрисида газетхонларимизга нималарни айтишни истардингиз?**

— Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти жуда улкан ва ҳатто Марказий Осиёда бу борада биз билан рақобатлашадиган давлатнинг ўзи бўлмаса керак. Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи "Буюк Ипак йўли"нинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон Республикасида 4 мингга яқин меъморий ва тарихий-маданий обидалар сақланиб қолган. Уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мерослар рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, Ватанимизда сўлим табиат масканлари, замонавий меҳмонхоналар ва транспортлар, тайёр ва етук мутахассислар етарли. Буни юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳларнинг ўзлари ҳам эътироф этмоқдалар. Уларни халқимизнинг ҳунармандлиги, амалий санъати бойликлари ниҳоятга мафтун этади. Булар — туризм ривожи учун бебаҳо омиллардир.



Ҳозирда мустақил Ўзбекистонимизда халқимизнинг тарихига тааллуқли барча бойликлар қайта тикланмоқда ва жилоланмоқда. Қанчадан-қанча улуғ қадамжолар қайтадан Шарқ меъморчилигининг кўркига айланмоқда. Тошкентда "Ҳазрати Имом" мажмуасининг барпо этилиши, унинг таркибидаги "Қаффол Шоший", "Бароқхон", "Мўйи муборак" мақбаралари, "Тилла Шайх", "Номозгоҳ" каби масжидларнинг қайтадан кўркам бўлиб қад ростлагани пойтахтимизнинг туристик имкониятини жуда оширди. Бу обидаларнинг ўзига хос кўриниши, улардаги қуббасимон гумбазлар, деворларида тилла ҳарфлар билан битилган Қуръон суралари, бетакрор миллий услубдаги нақш-безаклар ҳар бир хорижий сайёҳни ўзига маҳлиё этади. Биргина "Мўйи муборак" ёдгорлигини олайлик. Мадрасанинг бундай номланишига сабаб — у ерда Пайғамбаримизнинг соч толалари сақланади. Манзилнинг бундайлиги ўз-ўзидан хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг эътиборини ўзига қаратади, албатта. Бундай ёдгорликлар кўпни кўрган хорижий сайёҳларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.



Умуман айтганда, Тошкент бош майдонимиз — Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Шаҳидлар хотираси майдони, муҳташам кошоналари, ниҳоят, қайтадан жилоланаётган тарихий ёдгорликлари билан мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини янада оширмоқда.

Бизда сўнгги йилларда ички туризм анча фаоллашди. Бунинг ҳам ўзига хос муҳим сабаблари бор. Мамлакатда тикланаётган зиёратгоҳлар, тарихий ёдгорликлар, қишлоқлар ва шаҳарларимизнинг тобора чирой очиб бораётгани, янгиланишлар, ўзгаришлар — ички туризмнинг фаоллашувига олиб келаётган омиллардир. Пойтахтимиздаги ҳамда вилоятлардаги нуронийлардан тортиб ўқитувчилар, мактаб, коллеж, лицейларнинг ўқувчилари, талаба ёшларгача — барча-барча ёшдаги юртдошларимиз Ватанимиз бўйлаб саёҳатга чиқмоқдалар.

Шундай қилиб, туризм бугун фақат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи, тадбиркорлик ва даромад олиш манбаигина бўлиб қолмай, у ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга, яхши қўшничиликка, турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари билан кенг кўламда танишишга имконият яратмоқда. Ички туризм эса миллий ўзлигимизни англашга, айниқса, мустақиллик даврида ҳаётимизда юз бераётган ўзгаришларни ҳар биримиз шахсан кўришимизга ва истиқлолнинг шарофатини онгимиз, дил-дилимиздан теран ҳис этишимизга шароит яратмоқда.

Туризмнинг истиқболи ҳақида гап кетар экан, бевосита кишининг хаёлида: «Туризм қаерда ривожланади?» деган савол ҳам туғилади. Туризм, сайёҳлик — ҳаёти тинч, осойишта, осмони мусаффо, турмуши обод ва фаровон мамлакатда ривожланади. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон ана шундай юрт. Биз мана шундай файзли ҳаётнинг асосини яратган, мамлакатни ободлик ва фаровонлик сари бошлаб бораётган, халқимизнинг улкан ва олижаноб мақсад — мазмунли бунёдкорлик фаолиятига донолик билан раҳнамолик қилиб келаётган Президентимиздан чексиз миннатдормиз. Бу тинчликка, осойишталикка, йил сайин тобора буюк самаралар бераётган жўшқин яратувчиликларга бой ҳаётимизга, мустақил ривожланишимизга асло кўз тегмасин. Ватанимиз равнақ топсин, халқимиз кўзлаган улуғ мақсадларига эришаверсин!

**Суҳбатни М. САФАРОВ олиб борди.**

қилишга» деган сўзлардан кейин «шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

37) **68-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«68-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи**

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 календарь кун олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Акциядорнинг талабига биноан жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин»;

38) **69-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«69-модда. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот**

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга ва давлат вакилига хабар бериш тегишли ахборотни матбуотда эълон қилиш ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши расмий эълон қилинган санадан 30 календарь кун олдин шакллanти-

16

Буклаш чизиғи

сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас»;

21) **43-модданинг русча матнидаги** «вида» деган сўз «типа» деган сўз билан алмаштирилсин;

22) **44-модданинг иккинчи қисмидаги** «акциядорлар рўйхати тузилган кундаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **47-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«47-модда. Жамият акциядорлари реестри**

Жамият акциядорлари реестри рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал қиймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатидир.

Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, қимматли қоғозлар эгаларининг депозитарийлардаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Агар жамиятга нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият акциядорлари реестрига давлат вакили ҳам киритилади.

Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва эмитент томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг белгиланган сана-

9

Қирқиш чизиғи

6) **20-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак»;

7) **21-модда бешинчи қисмининг русча матнидаги** «этого вида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«24-модда. Акциядорлик жамиятининг акциялари**

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият уставида белгиланади»;

4

Буклаш чизиғи

қабул қилиш, агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколати доирасига киритилган бўлса ёки бу масалани ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига топширилган бўлса, бундай бизнес-режани тасдиқлаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса»;

**ўн иккинчи – йигирма бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи – йигирма еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

47) **83-модда**:

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир»;

**ўнинчи қисми ўн иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

48) **85-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «мажлисда раислик қилган шахс томонидан имзоланади, у» деган сўзлар «мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) **86-модда**:

21

Қирқиш чизиғи

билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида хулосаси, жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборот (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгилаб қўйилиши мумкин»;

39) **70-модда иккинчи** ва **учинчи қисмларининг русча матнидаги** «вида» ва «вид» деган сўзлар тегишинча «типа» ва «тип» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **71-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамият кузатув кенгаши, ушбу Қонун 72-моддасининг ўн иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани;

умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

18

Буклаш чизиғи

**учинчи – олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак»;

17) **37[1]-модданинг номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«37[1]-модда. Акциядорлик жамиятларига ўзгартирилаётган давлат корхоналари меҳнат жамоалари аъзолари томонидан акцияларни олиниши»;**

18) **39-модда**:

**номидаги** «Акцияларга» деган сўз «Акцияларни ва акцияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** «Агар жамият» деган сўзлардан кейин «акцияларни ва» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган» деган сўзлар тегишинча «Акциялар ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган» ва «Акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Акцияларни ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади»;

**тўртинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

7

Қирқиш чизиғи

ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади»;

12) **31-модда** чиқариб ташлансин;

13) **33-модданинг**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятни таъсис этишда жойлаштириладиган акцияларга жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан кўпи билан бир йил ичида муассислар томонидан ҳақ тўланиши лозим. Мазкур муддат ўтганидан кейин муассислар томонидан ҳақи тўланмаган акциялар бекор қилиниши керак.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим»;

**бешинчи**, **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**олтинчи – саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **IV бўлим номидан** «ТАРҚАТИШ ҲАМДА» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **35-модда** чиқариб ташлансин;

16) **36-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига ўзгартириш жараёнида чиқарилган акциялар янги мулкдорларга белгиланган тартибда реализация қилинадиган пайтга қадар дастлабки жойлаштирилган давлат активлари ҳисобланади»;

6

Буклаш чизиғи

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кундан кам ва 45 кундан кўп белгиланиши мумкин эмас»;

41) **72-модданинг бешинчи қисмидаги** «тури (хили) кўрсатилган» деган сўзлар «тури кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **73-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади»;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

43) **74-модданинг**:

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

44) **75-модданинг бешинчи қисмидаги** «рўйхатига» деган сўз «реестрига» деган сўз билан алмаштирилсин;

19

***24-26 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ахборот технологиялари соҳасида маҳаллий компанияларнинг эришган ютуқларига бағишланган III «ICTExpo-2008» Миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасида етакчи уяли алоқа операторларидан бири «COSCOM» МЧЖ компанияси бу гал ушбу кўргазмада ўз хизматларини янги «UCell» савдо белгиси остида тақдим этди.***

# «UCell» «ICTExpo-2008» ИШТИРОКЧИСИ



Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, «ICTExpo» кўргазмаси «COSCOM» учун доимо ўта муҳим воқеа бўлиб келган. 2006 йилги мазкур кўргазмада бу компания «Энг кўп ташриф буюрилган стенд» дипломи билан тақдирланган, ўтган йили эса унинг бош ҳомийси бўлган эди. Бу йилги кўргазма, айниқса, компания учун алоҳида аҳамиятли бўлди. Чунки у янги савдо белгиси – «UCell» номи билан қатнашди.

— Ушбу муҳим тадбирга компания катта ютуқлар билан келди. Хусусан, жорий йил сентябрь ойининг бошида «UCell» мижозлари сони 2 миллиондан ортди. Муҳими ўтган даврда у арзон ва сифатли хизмат кўрсатадиган оператор номини қозонди. Компаниянинг янги номи очиқлик ва мулоқотга тайёрлик рамзидир. У фаол, ишчан ва қалби ёш инсонларнинг ҳаётини янада яхшироқ ва қизиқарлироқ қилиш учун яратилган. Ва бу кайфият компаниянинг «ICTExpo-2008» кўргазмаси иштироки вақтида ўз ифодасини топди. «UCell» кўргазма стенди янги савдо белгиси ранглари билан гўзал безатилган бўлиб, кўплаб ташриф буюрувчиларнинг диққатини ўзига жалб қилди.

«UCell» кўргазма давомида ўзининг янги тарифлари ва инновацион хизматларини намойиш этди. Улар ҳам оддий, ҳам корпоратив мижозларга мўлжалланган. Компания мутахассислари «UCell» стендини шундай ташкил қилишганки, таклиф этилаётган хизмат ва тарифларнинг қулайлиги, тезкорлиги ва сифатлилиги ташриф буюрувчиларга яққол кўрсатилди.

Барча хоҳловчилар «UCell»нинг хизматлари, компания тарифларига уланиш, шунингдек, яқинда ишга туширилган «GPRS/EDGE» ҳамда «MMS» хизматлари ҳақида батафсил ахборот олишлари учун барча имкониятлар яратилди. Ана шу хизматларнинг афзаллиги шундаки, энди компания мижозлари «GPRS/EDGE» технологияси ёрдамида Интернетга ва «WAP» ресурсларига «GPRS/EDGE» тармоғи ишлаётган барча жойдан ўз уяли алоқа телефони ёрдамида уланишлари мумкин. «MMS» хизмати эса, гўё оддий «SMS» сингари, суратлар, аудио ва видеоматериалларни уяли телефон орқали юбориш ва қабул қилиш имкониятини беради.

Лекин «UCell»нинг технологик янгиликлари орасида учинчи авлод уяли алоқа имкониятларининг намойиши алоҳида эътиборга моликдир. Бу нафақат компаниянинг янги чўққига эришганлигини кўрсатади, балки мамлакатда ахборот-коммуникация технологиялари, айниқса, уяли алоқа тараққиётида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Кўргазма очилишидан бир ҳафта аввал, яъни 15 сентябрь куни «UCell» учинчи авлод уяли алоқа технологиясига асосланган тармоқ Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида текширув (тест) режимида ишга туширганлиги ҳақида эълон қилган эдик. Бу тармоққа яқинда Бухоро шаҳри ҳам қўшилиши кутилмоқда. Ушбу технология мулоқот ва ахборот алмашишда бутунлай янги босқичдир. Катта тезликда маълумот узатиш имконияти мавжудлиги сабабли, учинчи авлод уяли алоқа орқали оқимли (Интернет) телевидениесини кўриш, видеоқўнғироқлар қилиш, юқори тезликда Интернетга уланиб, катта ҳажмдаги маълумотларни қисқа вақт ичида узатиш ва қабул қилиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, анъанага содиқ қолган ҳолда, «UCell» кўргазма давомида турли кўнгилочар тадбирларни ўтказди. Рақслар, паркур, мусобақа ва конкурслар шулар жумласидандир. «UCell» билан биргаликда вақт ўтказганлар эса кўпгина совғалар ютиб олдилар.

**Алена ЛИ.** [t]


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИГА ҚАРАШЛИ

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**БЎЛИМ МУДИРИ:**

- *табиий муҳит ифлосланишини тадқиқ этиш ва прогнозлаш бўлими.*

**ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМ:**

- *табиий муҳит ифлосланишини тадқиқ этиш ва прогнозлаш бўлими қошидаги хўжалик шартномаси гуруҳига.*

**КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ:**

- *табиий муҳит ифлосланишини тадқиқ этиш ва прогнозлаш бўлими юза сувлар сифатини тадқиқ этиш лабораторияси.*

**Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун.**

**Манзилимиз: 700052, Тошкент шаҳри, К. Махсумов кўчаси, 72-уй. Тел. 235-83-25. Автобуслар: № 2, 42, 88, 89, 95, «Гидрометцентр» бекати.**

1531Н/1570



Республика Кўчмас мулк биржаси Наманган вилояти филиали

**2008 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 27 февралдаги 16-0504-4839-сонли ижро варақасига асосан хатланган Янгиқўрғон тумани «Ҳумо» МЧЖ номидан гаровга қўйилган, фуқарога қарашли Нанай ҚФЙ Зарбдор МФЙ ҳудудида жойлашган «Шарбат цехи» бино ва иншоотлари қўйилмоқда (умумий фойдаланиш майдони 29102 $м^2$).

***Бошланғич баҳоси – 100 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2008 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО 00223, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 226-54-47, 226-27-01. www. rkmb.uz**

Лицензия: DB 001 № 000004



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 27380 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 7